

Зидан Жазоирда ёнғинларни ўчириш учун 2 миллион евро хайрия қилди



13:30 / 21.08.2021 1693

«Реал Мадрид» клубининг собиқ бош мураббийи, дунёнинг энг машҳур мусулмон футболчиси Зинедин Зидан Жазоир мамлакатига молиявий ёрдам кўрсатди. Бу ҳақда Shoot Africa манбаси хабар беради.

Жазоир шарқда жойлашган штат пойтахти Кабилия вилоятида кучли ёнғин содир бўлган. Ёнғин оқибатида камида 65 киши ҳалок бўлган.

Оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, Зидан зарарни бартараф этиш учун икки миллион евро хайрия қилган.

Маълумот ўринида, Зиданнинг ота-онаси Кабилия вилоятида яшаган, бироқ уруш бошланганда Парижга кўчиб ўтган. Бироз вақт ўтгач, оила Марсел чеккасидаги Ла Кастелланга кўчиб келган. У ерда Жазоирнинг кўплаб маҳаллий аҳолиси яшаган ва Зидан футболчилик фаолиятини шу ерда бошлаган. Зинедин Зидан таниқли футболчи, Франция терма жамоасининг собиқ етакчиси, дунёдаги энг машҳур спортчилардан бири ва айни пайтда мусулмон шахс.

Кўп сонли интервьюлардан бирида журналист Зинедин Зиданга диндорми ёки йўқми, деган саволни берганида, у хотиржам ва тўғридан-тўғри жавобни берган: «Ҳа, мен мусулмонман. Мен, бор нарсани яратган зот

Аллоҳга ишонаман.

«Зинедин» номи араб тилидан таржима қилинганида «иймон чиройи» деган маънони англатиши рамзий маънога эга.

Манба: Shoot Africa